



## Ҳақиқатда, сизлардан ҳар бир кишининг яратилиши онасининг қорнида қирқ кун ичида томчи сув ("нутфа") ҳолида амалга ошади

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бизга барча ишлари ва сўзлари ҳаққу рост бўлган ва Аллоҳ тарафидан ҳақ ваъда олишга мушарраф бўлган зот - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисни айтганлар: «Ҳақиқатда, сизлардан ҳар бир кишининг яратилиши онасининг қорнида қирқ кун ичида томчи сув ("нутфа") ҳолида амалга ошади. Сўнг худди шунча муддат ичида лахта қон ("алақа") ҳолида бўлади. Сўнгра яна шунча вақт ичида бир парча гўшт ("музға") ҳолида бўлади. Кейин унга бир фаришта юборилади ва ўша фаришта унга жон пуфлайди. Сўнг фариштага шу инсоннинг тақдирига тааллуқли бўлган тўрт нарсани - ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасамки, сизлардан бирингиз жаннат аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаннат ўртасида бир зиро масофа қолади. Шунда унинг китобидаги ёзув вақти етиб, у дўзах аҳлининг амалини қилиб қўяди-да, дўзахга кириб кетади. Сизларнинг яна бировингиз дўзах аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир зиро масофа қолади. Шунда унинг китобидаги ёзув ёлиб келиб, у инсон жаннат аҳли амалини қилади-да, жаннатга кириб кетади».

[Саҳиҳ] [Бухорий ва Муслим ривояти]

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтдилар: Айтаётган гапида ростгўй ва ростгўйлигига Аллоҳ гувоҳ бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ҳадис айтдилар: "Бировингизнинг хилқати тўпланади". Яъни, эр хотини билан қовушгач ундан чиққан тарқоқ уруғлар, рафиқанинг қорнида қирқ кун қолади. Сўнгра, иккинчи қирқ кунликда лахта-ивиган қонга айланади. Учинчи қирқ кунликда эса, уруғ чайналадиган даражада катта бўлган тишлам гўшт шаклига айланади. Учинчи чилла тугаганидан сўнг, Аллоҳ таоло бир фариштани юборади ва фаришта унга руҳ пуфлайди. Фариштан тўртта нарсани ёзишга буюрилади: Ризқини - Яъни, ҳаёти давомида одамзот қўлга киритадиган барча неъматларни ёзади. Унинг ажалини. Ажал - банданинг бу дунёда қолиш муддатидир. Амалини ва бахтиёр ёки бахтиқаролигини. Сўнгра Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам таъкидлаб айтяптиларки, бир одам жаннат аҳлининг амалини қилади. Одамлар кўзи билан қаралганида, у худди солиҳ амални қилгандек кўринади. Солиҳ амалларни шундай қиладики, у билан жаннат орасида, яъни, бировнинг бирон ерга яқинлашиши учун бир

оз қолганидек, жаннатга кириши учун бир оз масофа қолади. Тақдирига ёзилган нарса устун келади-да, дўзахийларнинг бир ишини қолади ва ҳаётини шу иш билан тугатади. Натижада жаҳаннамга киради. Чунки амалнинг қабул бўлиш шартларидан бири, шу амалда собит туриб, уни ўзгартирмасликдир. Ва яна бир бошқа одам жаҳаннам аҳлининг амалларини қилиб жаҳаннамга шунчалар яқинлашадикки, у билан жаҳаннам ўртасида бир оз қолади. Тақдирда ёзилгани устун келиб жаннатийлар амалидан бирини қолади-да, жаннатга киради.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/66513>

النّجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

